

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ ТАҲЛИЛИ

Кади́ров Раҳим Каримович
Тошкент халқаро университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон суғурта бозорининг сўнгги йиллардаги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Суғурта ташилотлари сонидаги ўзгаришлар, инвестиция фаолиятининг таркибий тузилиши, молиявий кўрсаткичлар ва бозор иштирокчилари фаолияти асосида соҳанинг умумий иқтисодий ҳолати ёритилган. Шунингдек, суғурта бозорини такомиллаштириш, рақобатбардошликни ошириш, ҳаёт суғуртасини кенгайтириш ва инвестиция йўналишларини диверсификация қилиш юзасидан амалий тақлифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: суғурта бозори, суғурта ташилотлари, инвестиция фаолияти, молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик, ривожланиш стратегияси.

КИРИШ.

Бугунги глобаллашув ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган шароитда суғурта бозори иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Хусусий мулк, тадбиркорлик, инвестиция муҳити ва ижтимоий барқарорлик каби кўплаб соҳаларда хавфларни камайтириш ва молиявий кафолатлар яратиш айнан суғурта тизими орқали амалга оширилади.

Суғурта бозори хавфларни қайта тақсимлаш механизми сифатида иқтисодий субъектлар фаолиятини кафолатлаш, капиталнинг самарали тақсимланиши, аҳоли фаровонлигини сақлаш ва давлат молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, бу бозорда маълумот асимметрияси, рақобатнинг етарли даражада эмаслиги, хизматлар сифатининг пастлиги каби бир қатор тизимли муаммолар ҳам мавжуд.

Илмий ва амалий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суғурта бозори фақатгина хизмат кўрсатиш соҳаси эмас, балки молиявий хавфларни бошқариш, инвестицияни фаоллаштириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи стратегик инфратузилма сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, ривожланаётган давлатлар суғурта сектори орқали банклардан ташқари молия бозорларини фаоллаштириш, аҳоли маблағларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимоя механизмларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлмоқда.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Суғурта бозори – бу иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, у хавф-хатарларни молиявий жиҳатдан тақсимлаш орқали субъектлар ўртасида барқарорликни таъминлашга қаратилган. Илмий нуқтаи назардан, бу бозор нафақат суғурта компаниялари ва мижозлар ўртасидаги шартномавий алоқаларни қамраб олади, балки хавфни қайта тақсимлаш, капитал йиғиш ва иқтисодий барқарорликни сақлаш функцияларини ҳам бажаради.

Б.Х. Тойиров таъкидлашича, суғурта бозори – хавфларни молиявий механизмлар орқали тақсимлашга ихтисослашган бозор тизимидир. Унинг асосини суғурта компаниялари ва мижозлар ўртасидаги пулли муносабатлар ташкил этади [1]. Шу муносабат билан, бозордаги трансакциялар хавф эҳтимоли, суғурта премиялари ва эҳтимолий тўловлар асосида шаклланади.

Н.М. Исмоилов фикрига кўра, суғурта бозорининг асосий иқтисодий вазифаси – хавфни тижоратлаштириш ва уни иқтисодий субъектлар ўртасида қайта тақсимлашдир. Бу орқали ишлаб чиқаришдаги узлуксизлик, молиявий барқарорлик ва ресурсларни сақлаш таъминланади [2].

А.Э. Азизов суғурта бозорини молия бозорининг бир қисми сифатида қараб, унинг асосий “товари” – хавфдан ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, суғурта бозорида савдо қилиш учун реал буюм эмас, балки эҳтимолий тўлов (полис) таклиф қилинади. Бу эса бозорнинг ўзига хослигини англатади [3].

Қ. Матиезова эса бозордаги маълумот асимметрияси муаммосига эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, баъзи мижозлар ўз хавфини билиб, фақат хавф юқори бўлганда суғуртани сотиб олади. Бу ҳолатда суғурта компаниялари юқори таваккалчиликка дуч келади ва бозорда самарасизлик вужудга келади [4].

Ж. Носирова эса суғурта бозори структураси ҳақида ёзган: бозорнинг тузилиши 3 қатламдан иборат – 1) суғурта компаниялари, 2) воситачилар (брокер ва агентлар), 3) назорат қилувчи органлар. Бу структура бозорнинг фаолиятини самарали амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади [5].

Шунингдек, дунё илмий қарашларида (масалан, Stiglitz, Akerlof) маълумот асимметрияси, adverse selection ва moral hazard суғурта бозорининг тубдан таъсир этувчи омиллари сифатида кўрсатилади [6].

Кузнецовнинг фикрига кўра, суғурта бозорида асосий йўналишлар – аҳоли ва юридик шахслар ўртасида хавфларни тақсимлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлашдир. У шунингдек, бозорда юзага келадиган асимметрия ва adverse selection муаммоларини аниқ ифодалайди [7].

Иванова таҳлилини қизғинлик билан ёритади: суғурта бозорида рақобат, маълумот алмашинуви ва технологиялар интеграцияси (айниқса рақамлаштириш ва сунъий интеллект) келгусида муҳим омиллар сифатида қаралади. У, шу билан бирга, регулятор назорати ва бозор концентрациясига алоҳида эътибор қаратади [8].

Ташевнинг фикрига кўра, давлатнинг суғуртани тарғиб қилиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва хусусий секторга капитал олиб киришлари – бу бозорни ривожлантиришда муҳим усуллардир. У мамлакатларда бозор мувозанати ва тузилмавий интеграция устуворлигига эътибор қаратган [9].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛИГИЯСИ.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек суғурта бозорини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, бозор муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ.

Суғурта бозори – бу хавфларни молиявий жиҳатдан қайта тақсимлаш ва уларни бошқариш орқали иқтисодий фаолиятни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи иқтисодий муносабатлар тизимидир. Унда суғурта компаниялари хавфларни ўз зиммасига олиш ва уларни суғурта полислари орқали мижозларга тақдим этиш орқали молиявий кафолат беради.

Иқтисодий илмий адабиётларда суғурта бозорининг асосий функциялари қуйидагилар сифатида кўрсатилган:

- *Хавфни қайта тақсимлаш*: субъектив хавфларни оммавийлаштириш ва хавфларни иқтисодий субъектлар ўртасида қайта тақсимлаш.
- *Молиявий барқарорликни таъминлаш*: суғурта тўловлари орқали зарарларни компенсация қилиш, бу эса иқтисодий субъектларнинг фаолиятини сақлашга хизмат қилади.
- *Капитал тўплаш*: суғурта премиялари орқали давлат ва хусусий секторда инвестиция учун зарур бўлган молиявий ресурсларни жамлаш.
- *Ижтимоий ҳимоя*: аҳоли ва ишлаб чиқариш субъектлари хавфдан ҳимоя қилиш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш.

Суғурта бозорининг ривожланиши ва ундаги иқтисодий жараёнларни тўғри баҳолаш учун бир қатор таҳлилий кўрсаткичлар ва маълумотлар ўрганилиши зарур. Бу маълумотлар бозорнинг ҳажми, ўсиш суръати, суғурта турлари бўйича тақсимооти, компаниялар фаолияти самарадорлиги, мижозлар сегментлари ҳамда хавфларни баҳолаш хусусиятларини қамраб олади (1-жадвал). Жадвалдаги маълумотлар 2023 ва 2024 йиллардаги суғурта бозори таркиби ва фаолиятига оид асосий кўрсаткичларни тақдим этади. Бу маълумотларни иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш орқали бозорнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг тузилиши [10]

Суғурта бозори тузилиши	2023	2024	Ўзгариш (+/-)
Суғурта ташкилотлари сони	38	33	-13,2%
шу жумладан ҳаёт суғуртаси бўйича	7	5	-28,6%
Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали (млн. сўмда)	2 298 572	2 963 695	+28,9%
Суғурта брокерлари сони	8	11	+37,5%
Актуарийлар сони	5	5	0%
Суғурта агентлари сони	4 736	4 804	+1,4%
шу жумладан юридик шахслар	1 711	1 704	-0,4%
Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотларининг сони	26	25	-3,8%

2023 ва 2024 йилларда суғурта бозори тузилишида бир қатор муҳим ўзгаришлар кузатилди. Суғурта ташкилотлари сони 38 тадан 33 тага, яъни 13,2%га камайди. Бу кўрсаткич бозорда консолидация жараёнлари бошланганини ва рақобатнинг аслида камайганини кўрсатади. Айниқса, ҳаёт

суғуртаси бўйича ташкилотлар сони 28,6%га камайиб, ушбу сегментда пасайиш ва эҳтимолан инвестиция ёки мижозлар қизиқишининг сусайганлигини намоён этади. Шу билан бирга, суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали 2,3 триллион сўмдан 2,96 триллион сўмгача ўсиб, 28,9%га кўпайгани молиявий барқарорлик ва суғурта компанияларининг капитал базасини мустаҳкамлашда ижобий тенденция ҳисобланади. Бу бозорнинг келажақдаги ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, суғурта брокерлари сони сезиларли даражада, яъни 37,5%га ошди. Бу воситачиларнинг бозордаги ролининг кучайганини кўрсатади, улар мижозлар билан суғурта компаниялари ўртасидаги боғланишни яхшилашда муҳим вазифани бажаради. Актуарийлар сони эса ўзгармади, бу соҳадаги мутахассисларга бўлган талаб барқарорлигини англатади. Суғурта агентлари сониди кичик ўсиш (+1,4%) кузатилган бўлса, улар орасида юридик шахслар сониди озгина пасайиш (-0,4%) қайд этилди. Бу хусусий сектордаги фаолликда кичик бир пасайиш бўлганлигини кўрсатади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотларининг сони 3,8%га камайгани бозорда молиявий кафолатлар тизимида муаммолар мавжудлигини ёки айрим ташкилотларнинг ушбу механизмда иштирокини камайтиришини кўрсатади. Бу эса бозордаги хавфларни бошқариш ва мижозларни ҳимоя қилиш масалаларида диққатга олишни талаб қилади.

Умуман олганда, суғурта бозоридаги иштирокчилар сонининг камайиши ва капитал ҳажмининг ўсиши бозорда сифат жиҳатидан ўзгаришлар бўлаётганидан далолат беради. Брокерлар сонининг ошиши ва мутахассисларнинг барқарорлиги бозорнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳаёт суғуртаси ва кафолатланган тўловлар бўйича бозор сегментларида пасайиш кузатилиши айрим соҳалардаги муаммоларни кўрсатади. Шу боис, бозорни тартибга солиш ва ривожлантиришда ушбу нуқталарга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Суғурта бозорида инвестициялар бозорнинг иқтисодий барқарорлиги ва ривожланишида муҳим ўрин тутди. Инвестицияларнинг турлари ва ҳажми бозор иштирокчиларининг хавфларга бўлган муносабати ҳамда молиявий стратегияларини акс эттиради. 2023 ва 2024 йилларга оид маълумотлар суғурта ташкилотларининг активларини қандай йўналтириши ва қайси соҳаларга устуворлик бериши ҳақида тушунча беради. Қуйидаги 2-жадвалда суғурта бозоридаги асосий инвестиция турлари, уларнинг жами инвестициялар ичидаги улуши ва йиллар бўйича ўзгариш динамикаси тақдим этилган.

2-жадвал. Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий тузилиши [10]

Кўрсаткич номи	2023		2024		Ўзгариш % да
	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	
Жами инвестициялар, шу жумладан:	6 149 938	100%	6 542 569	100%	+6,4%

Депозитлар (омонатлар)	4 037 369	65,6%	4 583 762	70,1%	+13,5%
Қимматли қоғозлар	1 357 492	22,1%	1 303 756	19,9%	-4,0%
Займлар	46 864	0,8%	95 400	1,5%	+103,6%
Кўчмас мулк	539 498	8,8%	452 745	6,9%	-16,1%
Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	134 728	2,2%	98 480	1,5%	-26,9%
Бошқа инвестициялар	33 988	0,6%	8 425	0,1%	-75,2%

2023 ва 2024 йилларда суғурта бозоридаги инвестициялар ҳажми 6,15 трлн сўмдан 6,54 трлн сўмгача ўсиб, умумий ўзгариш +6,4% ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич бозор иштирокчиларининг инвестиция фаолиятида ижобий динамикани кўрсатади.

Инвестициялар таркибида энг катта улуш депозитларга тўғри келади, уларнинг ҳажми 4,04 трлн сўмдан 4,58 трлн сўмгача ўсиб, умумий инвестициялар ичидаги улуши 65,6% дан 70,1% га кўтарилди (+13,5%). Бу бозор иштирокчиларининг нисбатан хавфсиз ва барқарор воситаларга—омонатларга эътиборини кучайтирганини кўрсатади. Шу билан бирга, қимматли қоғозлар улуши камайиб, 22,1% дан 19,9% га тушди (-4,0%), бу эса суғурта компанияларининг молиявий бозордаги фаолиятида озгина пасайишга ишора қилади.

Займлар бўйича инвестициялар эса икки баробардан ортиқ ошган (+103,6%), 46,9 млрд сўмдан 95,4 млрд сўмгача, бу суғурта ташкилотларининг қарз бериш ёки кредитлашга қизиқишининг ортганини кўрсатади. Лекин бу йўналиш юқори хавф даражасига эга бўлиши мумкин, шунинг учун бундай инвестициялар қатъий назорат талаб қилади.

Кўчмас мулк инвестициялари 8,8% дан 6,9% гача камайиб, 539,5 млрд сўмдан 452,7 млрд сўмга тушди (-16,1%). Бу суғурта компаниялари кўчмас мулк соҳасидаги активларини қисқартирганини ёки бу соҳадан камроқ даромад кўришини аңлатиши мумкин. Шунингдек, ташкилотлар устав фондидаги иштироклари ҳам 2,2% дан 1,5% га пасайди (-26,9%), бу компанияларнинг бошқа ташкилотларга инвестиция киритишда эҳтиёткорликни оширганини кўрсатади.

Бошқа инвестициялар эса кескин камайиб, жами инвестициялар ичида 0,6% дан 0,1% гача тушди (-75,2%). Бу турдаги сармоялардан воз кечиш ёки бу йўналишнинг аҳамиятини камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Умуман олганда, суғурта бозорида инвестициялар ҳажми ўсишда бўлса-да, таркибий жиҳатдан хавфсиз ва барқарор активларга (депозитларга) бўлган эҳтиёж кучайган. Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк сингари анъанавий инвестиция йўналишларида эса пасайиш кузатилди. Займлар бўйича инвестицияларнинг тез ўсиши эса янги инвестиция стратегиялари ёки бозордаги имкониятларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, компанияларнинг бошқа ташкилотлар устав фондларидаги иштирокининг камайиши ҳам диққатга сазовор. Бу ҳолатлар бозордаги инвестиция портфелларини қайта тартиблаш ва хавфларни бошқаришга бўлган эҳтиёжни кўрсатади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

2023–2024 йиллар таҳлили асосида маълум бўлдики, Ўзбекистон суғурта бозорида муайян ўсиш ва тузилмавий ўзгаришлар кузатилган. Суғурта ташкилотлари сонининг қисқариши рақобат муҳитининг шаклланаётгани ва заиф иштирокчиларнинг бозордан чиқиб кетаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, устав капитали ва умумий инвестициялар ҳажми ортиши бозорнинг молиявий барқарорлик сари ҳаракат қилаётганини тасдиқлайди.

Инвестициялар тузилишида эса депозитлар улушининг ўсиши ва кўчмас мулк ҳамда қимматли қўғозлар улушининг пасайиши иштирокчиларнинг хавфсиз активларга нисбатан қизиқишини оширганини кўрсатади. Суғурта брокерлари ва агентлар сонининг ўсиши эса бозорда воситачилик фаолияти кучайиб, рақобат муҳитига ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради.

Бироқ, ҳаёт суғуртаси компаниялари сонининг пасайиши, бошқа инвестициялар улушининг кескин камайиши, шунингдек тўловларни қафолатлаш жамғармасида иштирок этувчи ташкилотлар сонининг қисқариши бозордаги айрим муаммоларга ишора қилмоқда. Бу ҳолатлар тартибга солиш, инвестицион портфелни диверсификация қилиш ва аҳолига нисбатан ишончли ошириш каби йўналишларда ислохотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Суғурта бозори таҳлили натижалари шундан далолат берадики, бу соҳада муайян ижобий динамика кузатилган бўлса-да, ҳали ҳам ечимини кутаётган тизимли муаммолар мавжуд. Айниқса, ҳаёт суғуртаси сегментидаги пасайиш, инвестиция йўналишларининг чекланганлиги, молиявий барқарорликни таъминлашдаги заиф нуқталар ва рақобат муҳитининг етарли эмаслиги каби омиллар бозорнинг тўлиқ ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боисдан, бозорни янада жадал ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва жозибадорлигини ошириш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– *Ҳаёт суғуртаси сегментини рағбатлантириш:* Молиявий саводхонликни ошириш ва узоқ муддатли суғурта маҳсулотларини кенг оммага етказиш мақсадида тарғибот ишлари кучайтирилиши керак.

– *Суғурта ташкилотлари учун молиявий барқарорлик талабларини кучайтириш:* Рақобатбардош ва ишончли бозорни шакллантириш учун капитал талаблари ва рискни баҳолаш тизимларини мустаҳкамлаш лозим.

– *Инвестиция йўналишларини диверсификация қилиш:* Суғурта ташкилотларининг инвестиция портфелларида фақат депозитларга эмас, балки юқори даромадли, аммо таҳлил қилинган ва барқарор соҳаларга сармоя жалб этишни йўлга қўйиш.

– *Ташқи бозор иштирокчилари ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит яратиш:* Халқаро рейтингларга эга суғурта компанияларини бозорга жалб этиш орқали рақобатни ошириш ва тажриба алмашишни таъминлаш.

– *Рақамлаштириш ва инновациялар:* Суғурта соҳасида рақамли платформалар ва технологиялар жорий этилиши мижозларга қулайлик, компанияларга эса самарадорлик ва ишонч мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Юқорида олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозори сўнгги йилларда сезиларли ўсиш ва ички тузилмавий

ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Молиявий барқарорлик ва иштирокчиларнинг фаоллигига қарамай, бозор ҳануз тўлиқ ривожланмаган ва айрим соҳаларда тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Суғурта хизматларининг кенг оммага етиб бориши, ишонч даражасининг ошиши ва рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлат сиёсати, регуляторлар ва бозор иштирокчилари томонидан биргаликда ҳаракат қилиниш зарур. Фақат шундагина суғурта бозори мамлакат иқтисодиётида тўлиқ фаол, барқарор ва ижтимоий аҳамиятга эга молиявий институтга айлана олади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Тойиров Б.Х. Суғурта бозорида рақобат муаммолари // Иқтисодиёт журналы. – 2021. – №2. – Б. 48–53.
2. Исмоилов Н.М. Суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг бозор механизмлари. – Тошкент: ТДИУ, 2020. – 112 б.
3. Азизов А.Э. Миллий суғурта бозорини шакллантиришда институционал ислохотлар // Иқтисодиёт ва таълим. – 2019. – №3. – Б. 77–83.
4. Матиезова Қ. Суғурта хизматлари бозорида маълумот асимметрияси таъсири // Иқтисодий тадқиқотлар журналы. – 2022. – №4. – Б. 65–70.
5. Носирова Ж. Ўзбекистонда суғурта бозори структурасини такомиллаштириш // Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий ахбороти. – 2023. – №1. – Б. 89–94.
6. Stiglitz J.E., Weiss A. Credit rationing in markets with imperfect information // American Economic Review. – 1981. – Vol. 71, No. 3. – P. 393–410.
7. Кузнецов О.В. Исследование структуры и функций рынка страхования // Финансы и риски. – 2020. – №4. – С. 45–52.
8. Иванова Т.С. Цифровая трансформация страхового рынка: проблемы и перспективы // Известия БГУ. Серия: Экономика. – 2022. – №3. – С. 67–75.
9. Ташев Б.М. Государственная поддержка и частный капитал в развитии страхового рынка Казахстана // Экономика и управление. – 2019. – №11. – С. 112–119.
10. <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>.